



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 9 сентябрь, № 186 (9081)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФИФА БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) раҳбари Жанни Инфантинони қабул қилди.



Сўхбат аввалида ФИФА президенти Ўзбекистон етакчиси ва халқини тарихий воқеа — миллий терма жамоамиз 2026 йилда АҚШ-да бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўланмани қўлга киритгани билан яна бир бор самимий табрикларди. Ушбу ҳақли ютуқ мамлакатимизда олиб борилаётган самарали ислохотлар, спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ҳар томонлама кўмакнинг амалий натижаси экани таъкидланди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли халқаро тўзимла билан, энг аввало, футболни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёш истеъодларни юзага чиқаришга кўмаклашиш, мураббийлар, ҳакамлар, менежерлар,

спорт шифокорлари ва техник мутахассисларни халқаро даражада тайёрлаш борасидаги сермахсул ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Футболни, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида

оммалаштириш бўйича қўшма дастурларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ФИФАнинг техник кўмағида замонавий Миллий футбол маркази, шу жумладан, инновацион ечимларни жорий этган ҳолда рақамли футбол бўйича ситуацион марказ ташкил этилди.

Ўтган йили мамлакатимизда футзал бўйича жаҳон чемпионати муваффақиятли ўтказилди.

Ўзбекистонда ФИФАнинг йирик мусобақалари ва тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳрида ФИФАнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий офисини очиш юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти ўзбек футболни ривожлантириш ва халқаро майдонда илгари суришга қўшган шахсий хиссаси учун ФИФА раҳбари Жанни Инфантинога давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ МИНТАҚАВИЙ КУБОКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Пойтахтимиздаги Олимпия стадионида «CAFA Nations Cup» турнирининг финал ўйини бўлиб ўтди. Унга Президент Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди.

Финалда Ўзбекистон ва Эрон миллий жамоалари баҳс олиб борди. Асосий вақтда гол урилмагач, қўшимча таймлар белгиланди. Улар ҳам дуранг бўлиб, ўйин пенальтилар сериясига қараб кетаётган пайтда Ўзбекистон галаба голини киритди. 120-дақиқада қанотдан оширилган тўпни Хожиакбар Алижонов боши билан рақиб дарвозасига йўллади.

Шу тариқа Ўзбекистон миллий

терма жамоаси 2025 йилги «CAFA Nations Cup» ғолиби бўлди.

Музаффар футболчиларимизга олтин медаллар ва кубокни Президентимиз Шавкат Мирзиёев топширди. Тақдирлаш маросимида FIFA раҳбари Жанни Инфантино ва бошқа расмий шахслар ҳам иштирок этди.

Ушбу кубок ўйинлари жаҳон чемпионатида чиққан футболчиларимиз учун яхши тайёргарлик вази

ли томони, миллий терма жамоамизнинг Эронга қарши 13 йиллик ғалабасиз сериясига яқун ясалди. 2023 йилда ўтказилган биринчи шундай мусобақада ҳам Ўзбекистон финалда айнан Эронга 0:1 ҳисобида ютказган эди.

CAFA — Марказий Осиё футбол ассоциациясидир. CAFA кубоги ҳар икки йилда ўтказилади. Бу йилги мусобақада, шунингдек, Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ҳиндис

тон, Ўмон терма жамоалари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, бу мусобақа яқинда қуриб битказилган Олимпия шаҳарчасида ўтказилган илк халқаро турнир бўлди ва мамлакатимиз спортчилари учун галаба билан бошланди. Бунда рамзий маъно ва хайрли тилаклар намоеён бўлди. Бундай стадионлар, спортга қаратилган эътибор юртимизга доим ғалабалар олиб келаверсин.

Ўзбекистон — Хитой:

ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари янги, тарихий босқичга қадам қўйди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда ХХРга амалга оширган олий даражадаги ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, халқаро майдондаги шериклини янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратди.

Муносабат

Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлди. Давлат раҳбарлари ўтган йиллар давомида икки томонлама муносабатлар ривожидида катта ютуқларга эришилганини таъкидлашди. Барча даражалардаги алоқалар суръати ошириб бораётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, муҳим масалалар юзасидан томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида қайд этилди.

Мазкур ташрифнинг

аҳамияти, эришилган келишувлар ва ҳамкорлик истиқболлари хусусида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси Юй ЦЗЮНЬ шундай фикр билдирди:

— Мазкур ташрифи бир сўз билан тарихий деб аташ мумкин. Унинг натижасида икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришга ҳамда ҳамкорлигимизни янада самаралироқ босқичларга олиб чиқишга имкон яратилади. Айтиш жоизки, муносабатларимиз доимо юқори даражадаги ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлаш билан ажралиб туради. Яқинда бўлиб ўтган учрашувда етакчиларимиз томонлар бундан кейин ҳам халқаро ва минтақавий масалалар

да бир-бирини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Ҳар икки томон ўз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ўзаро ёрдамчини аямайди. Бугунги кунда алоқаларимиз деярли барча соҳаларни қамраб олган ва етакчиларимиз ушбу ҳамкорликни ривожлантириш учун аниқ режани белгиллаб берди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид ҳужжатлар алмашилди. Маданият марказларини ўзаро ташкил этиш бўйича битим ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Бундан ташқари, томонлар иқтисодий, бозор назорати, рақамли иқтисодиёт ва космик тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорликка доир бошқа ҳужжатларни ҳам имзолади. Бу эса бизнинг муносабатларимиз энг қулай босқичда ва тарихдаги энг яхши даврда эканидан далолат беради.



АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашни билдирди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида 5 сентябрь кuni бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот Америка ва Канаданинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди.

Дунё нигоҳи

Жумладан, Американинг «Associated Press USA», «American Business Times», «NATO News», «WTO News», «IMF News Today», «World Politics Report», «Government Daily Review», «Investor Worldreview», «Global Politics Reporter», «American Financial Tribune», «The Government Digest», «Political Updates Today», «The

America Watch», «American Times Reporter», «US National Times», «America News Observer», «International World Times», «American Business Times» ва «One World Daily Brief» нашрларида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатларини атрафлича қўриб чиққанлари ҳақида хабар берилди.

МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ ЙЎЛИДА

Дунёда зиддият ва беқарорликлар тўлқини янги босқичга кўтарилмоқда. Бир қитъада қуролли низолар авж олаётган бўлса, бошқа бирида иқтисодий инқироз, ижтимоий адолатсизлик ва ресурслар танқислиги каби муаммолар глобал барқарорликка таҳдид солмоқда. Терроризм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятчилик инсониятни умумий хавф остига қўётди. Бундай шароитда давлатлар ўртасида ишонч муҳитини яратиш, узокни қўзлаган стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳаётий заруратга айланган.

Шу жиҳатдан, Тяньцзинь шаҳрида ўтган «ШХТ плюс» саммити ва ундаги муҳокамалар дунё ҳамжамияти эътиборини тортиди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун долзарб ғоя ва тақлифларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро вазият ҳукм сураётган шароитда ШХТ жаҳонда барқарор ва адолатли тартиботни таъминлашнинг мустаҳкам таянчларидан биридир. Бунинг ўзидек, ташкилотнинг стратегик ўрни ва истиқболини кўрсатади.

Президент, биринчи навбатда,

Мақолаларда АҚШ Президенти янги Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган, иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қайтариб бўлмайдиган ислохотларни юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлашни билдиргани ургунган.

«Мулоқот чоғида устувор тармоқларда ишбилармонлиқнинг ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш, товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди»,



Хавфсизликка оид ташаббусларни илгари сурди. ШХТ Минтақавий акситеррор тузилмаси базасида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ, шунингдек, Душанбеда Наркотикаларга қарши курашиш маркази ташкил этилганини олқишлашни билдирди.



ХАЛҚИМИЗНИНГ БАҲОДИР ФАРЗАНДИ, САНЪАТИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ДАРҒАСИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, ижодкор зиёлилар, санъатга меҳри баянд юртдошларимиз иштирок этди.

Сарой фойесида устоз санъаткор ҳаёти, фаолияти ва серкира ижодида сўзловчи кўргазма ташкил этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Баҳодир Йўлдошевнинг фаолияти, ижоди, инсоний фазилатлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Этироф этилганидек, Баҳодир Йўлдошев маънавий мезонлари ғоятда юқори бўлган, камчиликлар, иллатларга ниҳоятда муросасиз, Ватанни, халқини севадиган, миллий санъатини равнақини умр мазмунига айлантирган ижодкор эди.

У замон ва макон қонуниятларини, инсон психологиясини теран англаган санъаткор эди. Баҳодир Йўлдошевнинг бевоқиф режиссёрлигидаги спектакллар миллий театр санъатимизнинг бебаҳо хазинасига айланган.

ЎзА.



Ўзбекистон — Хитой: ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Айни пайтда Хитой Ўзбекистондан юқори сифатли маҳсулотларни импорт қилмоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, гилос, анор, қовун ва ловия каби маҳсулотлар тобора кўпроқ ҳажмда Хитой бозорига экспорт қилинмоқда ва у ерда юқори талабга эга. Кейинги босқичда эришилган келишувларни янада самарали амалга ошириш, бошланган лойиҳаларнинг барқарор бажарилишини таъминлаш ва янги қўшма ташаббусларни илгари суриш йўлида биргаликдаги саяё-ҳаракатларни давом эттириш зарур. Дейлик, Сирдарё вилоятида компаниямиз икки-уч йилдан бери узлуксиз мева ва пахта етиштириш устида фаолият юритиб келмоқда. Шу жиҳатдан ижобий тажриба ва амалиёт тўпланмоқда. Бу эса келгусида қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлади. Хитойдан эса Ўзбекистонга саноат маҳсулотлари олиб келиняпти.

Биласиз, Хитой кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва инвестиция ҳамкори ҳисобланади. Савдо, инвестиция, энергетика ва инфратузилма қурили-

йили ҳеч бўлмаганда бир ёки икки марта учрашиб, самими мулоқот қилади. Бизга алоқаларни фаоллаштириш учун янги йўналишларни белгилаб беради.

Албатта, минтақаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари ҳам самарали ишлармоқда. Ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатдорлик ва тенглик тамойилига асосланади. Менимча, фақат ана шу тамойил асосида алоқалар барқарор бўлиши мумкин. Ҳозирда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклиқнинг янги даври деб атасак тўғри бўлади. Очиғини айтганда, Ўзбекистон Хитой билан бундай юқори даражадаги муносабат ўрнатган биринчи давлатдир. Бугунги кунда бу минтақамизда ягона ҳолат ҳисобланади. Хитой дипломатияси учун ҳам, Ўзбекистон дипломатияси учун ҳам бу муносабатларимизнинг ўзига хослигини кўрсатади. Ва айни чоғда бу доимо бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва икки мамлакатнинг умумий келажагини биргаликда барпо этиш учун саяё-ҳаракатларни амалга оширишни англатади.

«Халқ сўзи».

МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ ЙЎЛИДА

Бу марказлар нафақат терроризм ва наркотрафика қарши, балки трансмилий жиноятчилик, киберхавфсизлик ва чегарабузарлик каби глобал таҳдидларга қарши ҳам самарали платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлатлар тажриба алмашиб, биргаликда ҳаракат қилса, ҳеч бир хавф четда қолмайди.

Яна бир муҳим тақлиф иқтисодий йўналишда бўлди. Давлатимиз раҳбари бизнес соҳасидаги мулоқотлар учун самарали майдонни ишга тушириш мақсадида барча манфаатдор шерикларни жалб этган ҳолда ҳар йили «ШХТ Инвест» инвестиция форумини ўтказиш тақлифини билдирди. Биринчи форумга мезбонлик қилмишга Ўзбекистон тайёр эканлиги айтилди. Бугун дунёда иқтисодий узилишлар, санкциялар ва савдо тўсиқлари авж олган бир пайтда бундай платформа минтақадаги мамлакатлар учун янги имкониятлар эшигини очили муқаррар. Инвестиция ва савдо йўналишидаги ҳамкорлик нафақат иқтисодий ўсишни, балки барқарор ривожланишни ҳам таъминлайди.

Эътиборли жиҳати, ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, маълумотлар базалари, робототехника, биомехандислик, муқобил энергетика каби илгор йўналишларда катта сарафни таъминлашга қодир улкан илмий-техник салоҳиятга эга. Шу боис Президентимиз янги гоъларни генерация қилиш, илгор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери учун ШХТ инновацион-технологик хаблар тармоғини яратишни амалий қадам сифатида тақлиф этди. Бу ҳам кела-

жақ учун стратегик ташаббусдир. Чунки сунъий интеллект ва «яшил» технологиялар XXI аср тараққиётининг асосий ҳаракатлантурувчи кучлари ҳисобланади.

Президент яна бир муҳим соҳа — маданий-гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш умумий манфаатларимизга жавоб бериши ва дўст халқларимизни ақинлаштиришга хизмат қилишини қайд этди. «ШХТ оиласи» маданий рангбаранглиги ва бой кадриятларини илгари суришга қўмаклашиш билан шуғулланадиган Буюк Ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этиш тақлиф қилинди. Бу ташаббус халқларнинг қалби ва маданиятини яқинлаштиради. Чунки сиёсат ва иқтисод давлатлар ўртасида кўприк қурса, маданий алоқалар ҳам ундан кам вазифа бажармайди.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимизнинг Тяньцзинь саммитидаги нўтки Ўзбекистоннинг глобал сиёсий жараёнларда ҳам фаол ва ташаббускор иштирокини яна бир бор тасдиқлади. Ва ишонч, тенглик ва ўзаро манфаатга асосланган ёндашув мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги устувор қадриятлар эканини намён этди. Илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар амалий ифодасини топса Шанхай ҳамкорлик ташкилоти янги босқичда хавфсиз, барқарор ва адолатга асосланган ҳамкорлик маконига айланиши, шубҳасиз.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув хўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси раиси ўринбосари.

Ташқи меҳнат миграцияси:

ИМКОНият ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистонда миграция сиёсатини шакллантириш йўлида изчил ишлар олиб борилмоқда. Меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, хорижга йўл олаётган юртдошларимизнинг касбий маҳоратини ошириш имкониятини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, чет элга ишлашга кетадиганлар учун мажбурий касбий тайёргарлик тартиби жорий қилинди. Талабдорлар иш бевручининг талабларига мувофиқлигини максимал даражада ошириш учун чет тилларини ўқитиш марказлари очилди. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди.

Мулоҳаза

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши соҳасидаги 10-миллий мақсади 7-вазифаси доирасида тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатига қўмаклашиш, жумладан, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш тизими самарадорлигини кўтариш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Яъни миграция соҳасини тартибга солувчи 20 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратилиб, босқичма-босқич такомиллаштириляпти.

Очиги, мамлакатимизда олиб борилётган туб ўзгаришлар, иқтисодиёт тармоқларининг кенгайиши ва янги иш ўринларининг кўпайиши меҳнат мигрантларининг хорижга чиқиб кетишини камайтирди. Сўнгги саккиз йилда ташқи меҳнат мухожирларининг сони 2 баравар (2016 йилдаги 3,5 миллиондан 2025 йил биринчи ярмида 1,8 миллион)га камайтиди.

берувчилардан ундириб берилмоқда. Сўнгги тўрт йилда хорижий иш бевручилардан 13 630 нафар фуқарога 5 млн. 950 минг доллардан зиёд миқдорда иш ҳақи, компенсация ва сўғурта пуллари ундириб берилди.

Хорижий мамлакатларда қийин ахволга тушиб қолган фуқароларимизга ҳам давлат томонидан молиявий ва моддий ёрдам қўрсатиб келинмоқда. Масалан, 2021 йилда 3 635 нафар фуқарога 400 минг доллар миқдорда молиявий қўмақ қўрсатилган бўлса, 2024 йилга келиб 4 969 нафар фуқарога 540 минг доллардан ортиқ молиявий ёрдам берилган.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, меҳнат мигрантлари билан боғлиқ масалалар Олий Мажлис Сенати кун тартибидан ҳам мустаҳкам ўрин олган. Хусусан, шу йил 25 август куни Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси ташқи меҳнат миграцияси ва миграция сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги мавжуд тизимли муаммоларни муҳомаа қилди.

Бугунги кунда миграция соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий базани қайта қўриб чиқиш ва уни яхлит, тизимли шаклга келтириш зарурати мавжуд. Ташкиллаштирилмаган (норасмий) меҳнат миграцияси юқори даражада сақланиб қолмоқда. Миграция агентлиги томонидан уюштирилган ҳолда хорижий мамлакатлар-

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирди

АҚШ ОАВ таъкидига кўра, сўнгги йилларда ўзаро савдо кўрсаткичларида барқарор ўсиш кузатилмоқда. 2024 йилда товар айирбошлаш 15 фоизга ўсди, истиқболли ҳамкорлик лойиҳалари портфели фуқаро авиацияси, муҳим минерал ресурслар, электротехника саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия сек-

тори, инновациялар, таълим ва бошқа қўллаб соҳаларни қамраб олди. Канаданинг етакчи оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон ва АҚШ етакчиларининг телефон орқали мулоқотини кенг ёритди. Масалан, “Political Journal: Canada”, “Canadian Business Today”, “The Canada Finance Journal”, “News from Canada” ва “Canada News

Journal” каби нашрларда мазкур суҳбат чоғида бўлажак учрашувлар муҳомаа қилингани, шу ойда АҚШнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан узоқ мuddатли ҳамда барқарор алоқаларни ўрнатиш учун музокара-лар олиб борилиши маълум қилинди.

“Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизлик соҳасида, биринчи навбатда,

«Дунё» АА.
Вашингтон

МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Жорий йил 3 — 5 сентябрь кунлари Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Филиппиннинг Манила шаҳрида БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) томонидан “Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича халқаро конференция: Ҳаракатлар дастури ва 2030 йилгача ривожланиш мақсадлари бўйича мажбуриятларни амалга ошириш” мавзuida уюштирилган минтақавий конференцияда иштирок этди.

Конференция

Унинг ишида 30 дан зиёд мамлакатлар парламентлари аъзолари, давлат идоралари ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Сенатор “Ёшлар сиёсат марказида: барқарор ривожланиш йўлидаги ислохотлар” мавзuida маъруза қилиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, гендер тенгликка эришиш ва кам таъминланган оилалардан чиққан қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги тажриба ҳақида атрофлича маълумот берди.

Тадбир доирасида аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлаш, ёшлар ва соғлом турмуш тарзи, аҳоли қариши, демографик таҳлил, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш масалалари муҳомаа қилинди.

Шунингдек, аҳолишунослик ва ривожланиш соҳасида мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, маълумот алмашиш механизмларини такомиллаштириш, энг

яхши тажриба ва инновацион ёндашувлар тақдим этилди.

Сенатор “Киберхавфсизлик: ёш фойдаланувчилар учун интернетдаги хавф-хатарлар ва зарарли контентлар” мавзuidaги очиқ мулоқотда ҳам иштирок этди. Унда ёшларнинг рақамли макондаги ҳимояси ва хавфсиз онлайн муҳит яратиш масалалари муҳомаа қилинди.

Бундан ташқари, Филиппин парламенти Вакиллар палатаси депутатлари билан ҳам учрашув ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги ислохотлар ва халқаро ташаббуслар ҳақида маълумот берилди ҳамда парламентлараро ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Анжуман якунида ёшларнинг сиёсатдаги фаол иштирокини кенгайтириш, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш ҳамда таълим соҳасида рақамли платформалардан самарали фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

САРИОСИЁ ТУМАНИДАГИ ҲОЛАТ МИЛЛИЙ КОМИССИЯ ЭЪТИБОРИДА

Ижтимоий тармоқларда Сурхондарё вилоятининг Сарисийё тумани ҳокими ўринбосари маҳалла фаолларини пахта теримига мажбураётганигига оид хабарлар тарқалмоқда.

Назорат

Мазкур масала Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия томонидан назоратга олинди.

Миллий комиссиядан маълум қилинишича, ушбу ҳолат зудлик билан ўрганилади ҳамда масъуларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилиши таъминланади. Миллий комиссия бу каби ҳолатларни қоралайди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳодимларнинг ўз вазифаларидан бошқа ишларга жалб этилишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўради.

«Халқ сўзи».

рантнинг 262 нафар турмуш ўртоғида ҳам ушбу касаллик қайд этилган. Шунингдек, хорижий давлатларга чиқиб кетиш чоғида ота-оналарнинг воёга етмаган болаларига васий ёки ҳомий татиинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам тез-тез учрайди.

2024 йилда 261 та шундай ҳолат қайд этилган. Ёки чет элда болаларни қаровсиз қолдириш ҳолатлари сони ҳам камаймаган. Дейлик, 2024 йилда ота-она қарамогисиз қолган 119 нафар бола Ўзбекистонга қайтарилган бўлиб, болани чет давлат ҳудудига назоратсиз қолдиргани учун 839 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилган.

Парламент комиссияси томонидан ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уни тартибли ва хавфсиз ташкил этиш ҳамда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашиш бўйича амалий ҳаракатлар режаси — “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш ҳамда унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш юзасидан вазирилик ва идоралар масъулиятини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги вазифаларнинг ўз ўрнида адо этилиши қўллаб юртдошларимиз хавфсизлиги ва оилаларининг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси ўринбосари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА «ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»ГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар натижасида юртимизда қўллаб ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган ерлар кенгайтирилди. Натижада 160 минг гектар янги боғ ва тоқзорлар яратилиб, 1 млрд. долларлик 1 500 та озиқ-овқат лойиҳаси амалга оширилди. Бу ишлар мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли истеъмолини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига қондириш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Бироқ соҳага оид таҳлиллар шундан далолат берадики, қишлоқ хўжалиги ҳали ҳам “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ ҳалос бўлмаган. Яъни етиштирилган маҳсулотнинг катта қисми расмий ҳисоботларда акс этмайди. Бу эса солиқ тушумларининг камайиши, фермер ва деҳқонларнинг ҳимоядан маҳрум бўлиши ҳамда бозор муносабатларининг нотўғри шаклланишига олиб келмоқда.

Фикр

Шу боис 4 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳани “соя”даги иқтисодиётдан чиқариш ва фермерлар учун солиқ юқини енгиллаштиришга доир тақдимот ҳамда унда қабул қилинган қарорлар мамлакат аграр сиёсатида янги босқични бошлаб беришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Айбди ўтиш жоизки, давлатимиз раҳбари 20 август куни таъбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқот чоғида айнан шу муаммога эътибор қаратиб, тегишли ташкилотларга фермер ва деҳқонлар учун қўлай солиқ муҳитини яратиш бўйича кўрсатма берган эди. Шу асосда, Халқаро валюта жамғармаси ва маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган тақлифлар ҳаётга татиқ этилмоқда.

Хусусан, 2026 йил 1 январдан бошлаб деҳқон ва фермер хўжалиқлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (галла ва пахтадан ташқари) сотилганда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ноль ставкада қўлланилади. Шу билан бирга, маҳсулот етиштириш жараёнидаги харажатлар (урғу, ўғит, ёқилғи, транспорт, электр энергия ва бошқалар) учун тўланган ҚҚС қайтариб берилади.

Ушбу механизм орқали фермерлар солиқ юқидан сезиларли даражада ҳалос бўлади. Аниқ рақамларга кўра, деҳқон ва фермерлар ихтиёрида йилгига 300 млрд. сўм маблаг қолади. 400 млрд. сўм миқдоридига ҚҚС қайтарилиши орқали ликвидлик таъминланади.

Қабул қилинган қарорлар нафақат фермерларни қўллаб-қувватлаш, балки қишлоқ хўжалигини тўлиқ шаффофлаштириш, рақобатбардошлигини ошириш ҳамда соҳадаги инвестициявий муҳитни яхшилашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, “яширин иқтисодиёт” камаятади.

Шунингдек, саноатлашган плантациялар ва қайта ишлаш корхоналари сони ортиши иқтисодиётда қўшилган қиймат занжирини кучайтиради. Солиқ тизимига ишонч ошиб, солиқ тўловчи ўз фойдасини сеза бошлайди, бу эса мажбурийликка эмас, ихтиёрийликка асосланган муносабатни шакллантиради.

Давлат раҳбари мутасадди идораларга янги тизимни деҳқон ва фермерларга тушунтириш, амалий механизмларни ишлаб чиқиш ва жойлардаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Бу ислохотлардан қўтилган натижаларга эришиш учун солиқ органлари, аграр хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши, деҳқон ва фермерлар ўртасида семинарлар, тренинглар ташкил этиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва уни замонавий бозор талабларига мослаштириш жараёни изчил давом этмоқда. ҚҚСга оид янги тартиблар фермерларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва бутун аграр тизимда қўшилган қиймат занжирини тўлиқ шакллантиришда зарур қадам бўлади.

Энг муҳими, бу сиёсат деҳқонлар меҳнати қадрлинишига, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ошиши ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Дилрабо ХОЛБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси, шунингдек, қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетди ижроси муҳокамасида партия сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар — иқтисодиётда барқарор ўсиш-ни таъминлаш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бажарилган ишлар билан бирга, Давлат бюджетининг ижросини таъминлаш борасида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани қайд этилди.

Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли чораларни изчил давом эттириш, бюджет интизоми бўзилиш, камомадга ва мақсадсиз харажатларга йўл қўйилиши ҳолатларининг олдини олиш бўйича қатор тақлифлар берилди.

Йиғилишда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳасида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятида хабардор қилиш тартиб-таомилларини қўллаш белгиланмоқда.

Шунингдек, суғурта агенти фаолиятини тартибга солишининг янги механизмини ишлаб чиқиш, суғурталовчи лицензиясини ихтиёрий равишда бекор қилиш ҳамда мажбурий суғуртага оид қонун ҳужжатларида суғурта муносабатларидан келиб чиқадиган низола-р ечимига оид меъёрлар акс этмоқда.

Муҳокамада қонун лойиҳаси матни депутатлар тақлиди асо-сида маромига етказилгани, ҳу-сусан, транспорт воситасидан фойдаланишда мажбурий суғур-та қилиш, йўл-транспорт ҳодиса-си рўй берганда томонлар кели-шувиغا кўра, суғурта тўловини айбдор томоннинг суғурталовчи-сидан олиш масалалари тартиб-га солинаётгани айтилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган мас-алалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йи-ғилишида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил бирин-чи ярим йилликдаги ижроси му-ҳокама қилинди.

Фракция аъзолари умумий ўрта таълим муассасаларида дарс-ликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар учун ҳисобот дав-рида ажратилган маблағларнинг 75 фоизи ўзлаштирилганига эъти-бор қаратди. Мактабларни дарс-ликлар билан ўз вақтида тўла таъминлаш масаласи кўтарилди. Бу бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги вакилидан изоҳ сўралди.

Йиғилишда мактабгача таълим ташкилотларини китоб ва қўллан-малар билан таъминлаш масала-си ҳам диққат марказида бўлди. Жумладан, бугунги кунда мамла-катимизда 7 мингга яқин давлат боғчалари фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар учун чоп этилаёт-ган китоблар нухсаси 1000 тадан ошмайди.

Кўтарилган масалалар бўйича масъуллар томонидан атрофлича тушунтириш берилди.

Тақдим этилган ҳисоботда Маданий мерос агентлигига 2025 йил биринчи ярим йиллиги-да ажратилган маблағларнинг ижроси таҳлил қилинганди, уму-мий маблағларнинг бор-йўғи 59,3 фоизи ўзлаштирилгани аниқ-ланди. Хусусан, давлат музейла-рининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлардан фақат 18 фоизининг ўзлаштирилиши ёки маданий ме-рос объектлари реставрацияси ва археологик ишларга ажратилган маблағларнинг 70,6 фоиздан ор-тиги ўзлаштирилган бўлса-да, қолган 26,2 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилмагани бу соҳада ти-

зимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Фракция аъзолари шулардан келиб чиқиб Маданий мерос агентлигига сўнгги йилларда бу соҳага катта маблағлар йўналти-рилаётганига қарамай, уларнинг ўзлаштирилиши суст бўлаётгани-га эътироз билдирди.

Йиғилишда, шунингдек, шахс-ларнинг тасвирига бўлган ҳуқуқла-ри ҳимоясини кучайтиришга қари-тилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Конституциямизда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, жумладан, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги жадал ахборот-комму-никация даврида айрим ҳоллар-да шахсларнинг тасвиридан фой-даланиш билан боғлиқ муноса-батларда шахсий дахлсизлик ҳуқуқи уни амалга ошириш меха-низмлари билан таъминланмагани сабабли чекланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида шахс-ни тасвирига олиш ва ундан фой-даланиш учун розилик олиш маж-бурий шартлиги, ушбу муносабат-ларда вояга етмаган болалар мустақил ҳуқуқ субъекти эканлиги, тасвирига олиш ва ундан рухсат-сиз фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар доираси белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Муҳокамадан сўнг лойиҳа фрак-ция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демокра-тик партияси фракцияси аъзо-лари Давлат бюджети муҳокама-сида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилиши, таълим сифати ва суд-ҳуқуқ соҳаларида бюджет маблағларининг мақсадли ва са-марали сарфланишига алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим вазирлик ва идоралар маблағларни ўз вақтида ўзлаш-тирмагани, уларнинг самарасиз ва нотўғри йўналтирилгани, суб-



аъзолари Зухриддин Мавлонов, Нодира Жонибекова ва бошқалар қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, уни такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди. Лойиҳа-да назарда тутилаётган айрим нормалар юзасидан аниқлашти-рувчи масалалар кўтарилди.

Қонун ташаббускорлари барча саволлар юзасидан тушунтириш бериб, мазкур ҳужжат келгусида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, криминоген вазиятни бар-қарорлаштириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини пухта ҳимоя қилишга қаратилганини қайд этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилиши-да айтилганидек, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат б ю д ж е т и даромадлари 144,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан 19,2 фоиз ошган.

Депутатлар ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ҳажми ортгани, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, таълим, соғлиқни сақ-лаш ва инфратузилмани такомил-лаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлашди.

Шунингдек, Давлат бюджети ижросидаги юқори натижалар эътироф этилган ҳолда, айрим муаммолар масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, ин-вестиция дастурларига кирган лойиҳалар, айниқса, таълим, тиббий хизматлар билан боғлиқ лойиҳаларнинг ўз вақтида амал-га оширилмаётгани сабаблари таҳлил этилди.

Жамоат транспорти соҳаси



сида ва имтиёزلарни тақсим-лашда камчиликларга йўл қўйил-ганини айтиб ўтди.

Шунингдек, ушбу соҳани яна-да ривожлантириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор тақлиф ва та-сиялар берилди.

Йиғилишда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратил-ган қонун лойиҳаси ҳам атропо-лича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йил-ларда совуқ қуролни ноқонуний равишда жамоат жойларида олиб-йориш ҳолатлари кескин кўпайиб, бу ҳолат жамоат хавфсизлиги, фуқароларнинг тинч ҳаёти ва ҳуқуқий тартиботга таҳдид сол-моқда.

Ушбу қонун лойиҳасида бу каби ҳуқуқбузарликларни такро-ран содир қилган шахсларга нис-батан жавобгарлик чоралари қатъийлаштирилмоқда.

Оилавий таълиқ ва зўравонлик жиноятини содир этган шахслар-га қурол олиш ҳуқуқини бермас-лик ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик содир қилган шахс-ларда мавжуд қуролларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча олиб қўйиш тартибини жорий этиш белгиланяпти.

Муҳокама давомида фракция

Лойиҳага кўра, фарзандларга но-давлат мактабгача таълим таш-килотлари ёки мактаблар кўрса-тадиган таълимга оид хизматлар, шунингдек, 3 дан 18 ёшгача но-гиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматлари-дан фойдаланилганда, ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўлов-лар солиқдан озод қилиниши ку-тилмоқда.

Депутатлар томонидан мазкур соҳада фаолият кўрсатувчи тад-биркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг хизматларидан фойда-ланувчилар учун имтиёзлар бе-риш Халқ демократик партияси электорати манфаатларига тўла мос келиши таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партия-си фракцияси йиғилишида Давлат бюджети ва давлат мақсад-ли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йилликда-ги ижроси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2025 йил-нинг биринчи ярим йиллигида экология ва атропо-муҳит муҳо-фазаси тадбирлари учун ажра-тилган маблағлар атмосфера ҳавоси муҳофазасига, сув тежов-чи технологияларни жорий қилишга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этишга, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тадбир-ларга, “Яшил макон” умумийлиий лойиҳаси доирасидаги харажат-ларга, ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга доир тад-бирларга сарфланган.

Ўй, тоғ ва тоғолди ҳудудла-рида чўлланаш ва кум қўниши, сув ва тупроқ эрозиясининг ол-дини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 776 гек-тар майдонда ҳимоя ўрмонзор-лари (ихота) барпо этилган.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат бюджети харажатлари илк бор “яшил” бюджетлашти-риш тамойиллари асосида тас-нифланганини таъкидлаб, мазкур ёндашувни экологик сиёсатни янада кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим кадам сифати-да баҳолашди.

Депутатлар ушбу масалани қўллаб-қувватлаш билан бирга, бюджет маблағларининг экологик барқарорлик ва “яшил” тарақ-қиёт тамойилларига мос ҳолда янада самарали ишлатилиши зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда, шунингдек, Сув ҳўжалиги вазирига “Сув ресурс-ларидан самарали фойдаланиш, сувни тежайдиган сугориш услуб-лари ва технологияларини жорий этиш ҳамда магистраль ва ички каналларни бетонлаштириш иш-ларининг бориши тўғрисида” Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасининг парламент сўровини юбориш масаласи ҳам кўриб чи-қилди.

Сўровда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сувни те-жайдиган сугориш услублари ва технологияларини жорий этиш, магистраль ва ички каналларни бетонлаштириш жараёнлари юза-сидан батафсил маълумот тақдим қилиш масалалари кўтарилган бўлиб, фракция аъзолари ушбу сўровни юбориш масаласини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар атрополича кўриб чи-қилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОFAZACИ — УСТУВОР МАҚСАД

Сўнгги йилларда болалар ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг кун тартибидagi муҳим стратегик йўналиш сифатида белгиланди, миллий қонунчилигимизда бу билан боғлиқ 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ҳамда 500 дан кўп қонуноти ҳужжатлари қабул қилинди.

“Инсон қадрини учун” гоёси ҳамда “ҳеч кимни орқада қолдирмаслик” тамойилига таяниб, олиб борилган ислохотлар доирасида янги тахрирдаги Конституциямизга боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган илғор нормалар киритилди. Жумладан, мамлакат аҳолисининг 35 фоизини (қарийб 13 млн.) болалар ташкил этишини ҳисобга олиб, Бош қомусимизда боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилиб, бу борада давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари янада кенгайтирилди.

■ Форум олдидан

Ўзбекистон бола ҳуқуқларини таъ-минлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида мил-лий қонунчиликни халқаро стандарт-ларга уйғун равишда шакллантириб бормоқда. Бунда бола ҳуқуқларини таъ-минлашга оид қабул қилинган барча қонунчилик ҳужжатлари “Боланинг энг устун манфаатлари” тамойилини ҳаёт-га татбиқ этишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари-нинг бола ҳуқуқларини таъминлаш бо-расидаги қатъий сиёсий иродаси ту-файли соҳада тизимли ва изчил исло-хотлар мунтазамлик касб этди. Бирги-на мактабгача таълим қамровининг 27 фоиздан 78 фоизгача кескин ошга-ни, болалар меҳнатига республикамиз-да батамом барҳам берилгани ана шу оқилона ёндашувнинг аниқ натижаси-дир.

Соҳада эришилган ютуқлар нафақат миллий, балки жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, “Save the Children” (Болаларни асранг) халқ-аро индекси бўйича Ўзбекистонда бо-ларларнинг ҳимояланганлик даражаси 16 поғонага (78 ўриндан 62 ўринга) кўтарилди.

Ўзбекистон Бола ҳуқуқла-ри тўғрисидаги конвенция қоидаларини самарали амалга ошириш мақсадида — БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияла-рини амалга ошириш юзаси-дан 2024 — 2027 йилларга мўлжалланган миллий ҳара-катлар режасини қабул қил-ган.

Айнан шу ҳужжат Ўзбекис-тонда бола ҳуқуқларига оид барча соҳаларда иш ташкил қилиш учун асосий дасту-риламал ҳисобланади. Мам-лакатимизнинг халқаро маж-буриятларни қай даражада ва қандай амалга оширили-ши логистикасини, ҳаритаси-ни кўзда тутди.

Соҳадаги ислохотларнинг муҳим мантиқий давоми си-фатида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг институ-ционал мустақиллиги мус-таҳкамланди, фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомил-лаштирилди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя-лаш мақсус миллий инсти-тутини бўлган Болалар омбудс-мани давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этили-ши устидан парламент назоратини амалга оширмоқда.

Хусусан, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили — Болалар омбудсмани ўз фаолияти давомида бола ҳуқуқларига доир қонунчиликни такомиллаштиришга ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш-га қўмақлашди, фуқароларнинг бу бо-радаги ҳуқуқий маданиятини ошириш-да иштирок этади.

Айтиш жоизки, амалга ошири-лаётган изчил ислохотлар халқаро муносабатларни ривожлантиришда ва бу борада ўзаро конструктив ҳам-корлик истиқболларини кенгайти-ришда ҳам ўзининг амалий самара-сини бермоқда.

Шу йилнинг 11-12 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координа-тори билан ҳамкорликда ташкил эти-ладиган Марказий Осиё давлатлари Болалар омбудсманларининг Биринчи халқаро форуми бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур халқаро анжуман “Марказий Осиё давлатларида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомил-лаштиришнинг долзарб масалалари: Болалар омбудсманлари минтақавий ҳамкорлиги истиқболлари” мавзусида ўтказилади.

Жумладан, Марказий Осиё давлат-лари Болалар омбудсманларининг яқин алоқалари ва ҳамкорликдаги саяй-ҳаракатлари натижасида ижти-моий оғир аҳволда бўлган болаларни хориждан ўз Ватанига қайтариш, бу-зилган ҳуқуқларини тиклаш, болага ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари “Боланинг энг устун манфаатлари” тамойилини ҳаёт-га татбиқ этишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари-нинг бола ҳуқуқларини таъминлаш бо-расидаги қатъий сиёсий иродаси ту-файли соҳада тизимли ва изчил исло-хотлар мунтазамлик касб этди. Бирги-на мактабгача таълим қамровининг 27 фоиздан 78 фоизгача кескин ошга-ни, болалар меҳнатига республикамиз-да батамом барҳам берилгани ана шу оқилона ёндашувнинг аниқ натижаси-дир.

Соҳада эришилган ютуқлар нафақат миллий, балки жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, “Save the Children” (Болаларни асранг) халқ-аро индекси бўйича Ўзбекистонда бо-ларларнинг ҳимояланганлик даражаси 16 поғонага (78 ўриндан 62 ўринга) кўтарилди.

Ўзбекистон Бола ҳуқуқла-ри тўғрисидаги конвенция қоидаларини самарали амалга ошириш мақсадида — БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияла-рини амалга ошириш юзаси-дан 2024 — 2027 йилларга мўлжалланган миллий ҳара-катлар режасини қабул қил-ган.

Республикамиз мезбонлик қиладиган халқаро анжуманда Марказий Осиё давлат-лари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикис-тон ва Туркменистон Болалар омбудсман-лари ҳамда Финляндия, Норвегия, Хорва-тия каби Европа мамлакатлари Болалар омбудсманлари ва Европа Болалар омбудсманлари тармоғи (ЕНОС) вакилла-ри қатнашиши кутляпти. Шунингдек, фо-румда мамлакатимиз Олий Мажлиси пала-талари аъзолари, мутасадди давлат идо-ралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этади.

Икки кунлик халқаро форум давомида бола ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган пленар сессия-лар ўтказилиши кўзда тутилган. Улар доир-расида Марказий Осиё давлатларида бо-лалар вазиятининг миллий мониторинги, Бо-лалар омбудсманларининг минтақаларо ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилиши назарда ту-тилган. Бундан ташқари, интернет макони-да болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, уларнинг одил судловдан са-марали фойдаланиш имкониятларини таъ-минлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Ташкилотчилар мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик минтақавий платформасини йўлга қўйиш, бола ҳуқуқлари ҳимояси-га қаратилган миллий стратегия ва режалардаги саяй-ҳаракатлар ҳамда халқаро ташаббусларни интеграция қилиш, шунингдек, минтақа мамлакат-лари Болалар омбудсманларининг са-лоҳиятини ошириш вазибаларини ўз олдига қўйган.

Анжуман якунида Марказий Осиё давлатлари Болалар омбудсманлари форуми декларациясини қабул қилини-ши режалаштирилган.

Доимий асосдаги минтақавий плат-форманинг йўлга қўйилиши бола ман-фаатлари ҳимояси соҳасида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ягона му-лоқот майдонининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади. Зеро, давлати-миз раҳбари таъбири билан айтганда, бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш ментали-тет, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради. Буларнинг барчаси, халқларимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида Марказий Осиё дав-латлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкор-лигимизга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Суройё РАҲМОНОВА,
Олий Мажлисининг
Бола ҳуқуқлари бўйича вакили
(Болалар омбудсмани).

ХАЛҚИМИЗНИНГ БАҲОДИР ФАРЗАНДИ, САНЪАТИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ДАРҒАСИ

Ватанимизнинг Мустанкилик, Наврўз байрамлари, Халқаро мақом ва бахшичилик санъати фестивалларининг мусликий дастурини тайёрлашда алоҳида фидоийлик ва жонбозлик кўрсатган ижодкор эди.

Давлатимиз раҳбари Баҳодир Йўлдошев ижоди, унинг шахсиятига доимо катта эҳтиром, алоҳида меҳр ва ғамхўрлик, ҳурмат билан эътибор қаратади. Бу Президентимизнинг шу йилнинг август ойида қабул қилган Фармони асосида "Дийдор" театр-студияси бадий раҳбари Баҳодир Йўлдошеви "Дўстлик" ордени билан тақдирлаганида ҳам ўзининг яққол ифодасини топти.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Ёдгор Саъдиев, Афзал Рафиқов, Элёр Носиров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Фарҳод Абдуллаев, Муножат Тешабоева, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳшом Исмоилов Ба-

Незакот УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

«АҚЛЛИ» ИССИҚХОНА — ЁШ МУҲАНДИС ЛОЙИҲАСИ

Учқўрғон туманидаги 25-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Дийёрбек Қўноқбоевнинг аниқ фанлар, айниқса, физикага қизиқиши баланд. Унинг айланишидаги изланишлари махсули бўлган янги қурилма — замонавий иссиқхонанинг янада такомиллашган нусхаси ҳисобланади.

Интилиш

— Дунёнинг ривожланган давлатларида "ақлли" иссиқхона технологиялари кенг қўлланилмоқда. Илмий тадқиқотларга кўра, томчилатиб суғориш, автоматлаштирилган ҳарорат ва намлик назорати, шунинг-



дек, селекция асосидаги ҳосилдор навлардан фойдаланиш орқали пировард натижани 2-3 баробар ошириш мумкин, — дейди иқтидорли ўқувчи.

Дийёрбекнинг қурилмаси ҳам айнан шу тамойилларга таянган бўлиб, унда томчилатиб суғориш ва ўғит интеграцияси асосида масофадан бошқариш тизими жорий этилган. Ушбу мос-

лама, кичик ҳажмда бўлса-да, амалий синовларда 15 килограммгача ҳосил етиштириш имконини бергани эътиборга молик. Ёш муҳандис ўз қурилмасида "Кросс Ф1" нави помидор уруғини экиб, йилга икки мартаба ҳосил олишга муваффақ бўлди. Ҳозирда у тумандаги томат ишлаб чиқарувчи корхона билан шартнома асосида бир сотих майдонга помидор экиб, 1,5 тонна ҳосил олиш имкониятини синаб кўрмоқчи.

Ўқувчининг лойиҳаси маҳаллий шароитга мослаштирилган, иқтисодий жиҳатдан тежамкор ҳамда келажда кенг жорий этилиши мумкин бўлган технология сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ёш иқтидор эгаси инновацион "ақлли" иссиқхонасини яқин вақт ичида патентлаштириш ҳаракатида.

Қудратилла
НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ИШИ БИЛАН СЎЗИ БИР ДАШТОБОДЛИКЛАР

Ҳар бир ёш мактаб, касб-хунар ёки олий таълим муассасасини тамомлаб, катта ҳаётга илк қадам ташлар экан, унинг олдида иш топиш масъулияти пайдо бўлади. Олий маълумотли, ўз соҳасида етарли билим ва кўникмага эга бўлган ёки маълум бир касб-хунарни пухта эгаллаган ёшлар бу борада муаммага дуч келмаслиги мумкин. Чунки малакали, касб-корли мутахассисга талаб ҳамийша юқори. Аммо маълумоти, хунари бўлмаган ёшлар-чи? Уларнинг бандлиги қандай таъминланади? Бундай ёшлар катта йўл бошида мураккаб вазиятга тушиб қолмаяптими?

Бир олманинг икки юзи

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Чунки бугун мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик қўллаш бўйича катта тизим яратилган. Ҳеч бир ёш эътибордан четда эмас, ҳатто уларнинг ҳар бири билан индивидуал тарзда ишланмоқда.

— Айни пайтда туманда 689 нафар йигит-қиз ишга муҳтож си-фатда рўйхатга олинган, — дейди Гузор тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими мутахассиси Анвар Иноят. — Улардан 655 нафарининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 382 нафари ишга жойлашган, 221 нафари ўзини ўзи банд қилган, 21 нафари яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Туманда навқирон авлоднинг 95 фоиздан ортиги ишли бўлиши, албатта, яхши кўрсаткич. Шу билан бирга, мазкур рақамлар ушбу ёшларнинг ҳақиқатан бандлиги таъминлангани, доимий даромад манбаига эгалиги, бу борадаги муаммоларга тўлиқ барҳам берилганини аниқлашмаслиги ҳам айни

ҳақиқат. Масалан, ишсиз ёшлар имтиёзли кредит ёки субсидия асосида иш қуроли билан таъминлаб, ҳужжатларга "бандлиги таъминланди" дея қайд этиб қўйилгани билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Буни туманининг бир қатор маҳаллаларида олиб борган ўрганишлари-миз асосида яна бир бора ҳис этдик.

Масалан, туманининг Апарди маҳалласида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки ўзини ўзи банд қилиш орқали яхши даромад топаётган, ишини ривожлантириб бораётган ёшлар кўп. Улардан бири — Ганишер Норматов бандан 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, қурилиш маҳсулотлари савдоси ҳамда металл буюмлар ижарасини йўлга қўйган. Шу маҳаллалик Даврон Ҳасанов эса автомобилларни ювиш шохобчаси очган.

Бироқ ушбу нафар ёш ишсиз, олти нафари иш излаб хорижга кетгани, 21 нафар йигит-қизнинг "норасмий ишлайди" дея ҳужжат-

ларда "бандлиги таъминланган" бўлса-да, уларнинг аксари доимий ишламаслиги маҳаллада бу борадаги муаммоларнинг қўламини кичик эмаслигини кўрсатади.

— Бу йил маҳалламиздаги навқирон авлод вакилларининг 38 нафари мактаб, касб-хунар

50 сотихдан ер берган. Бу ҳам яхши ташаббус, лекин муаммага тугал ечим бўла олмаслиги ҳам аён.

Энди туманининг энг олис ва чекка ҳудудларидан бирида жойлашган Даштобод маҳалласига эътибор қаратсак. Ушбу ҳудуд



бундан атиги тўрт-беш йил аввал "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тарзида помидор ва бўлғор қалампир етиштиришга ихтисослаштирилиб, хонадонлар вакиллари шу фаолият билан шуғулланишни бошлашган эди. Бугунги кунда ҳудуддаги 200 гектар аҳоли томоркалари ҳамда деҳқон хўжаликлари тасарруфидида 219 гектар ер майдонининг барчасида помидор парваришланмоқда.

— Бу йил маҳалламизда умумий ҳисобда 16 минг тоннадан ошмиқ ҳосил етиштирилди, — дейди маҳалла раиси Холтўра Турсунов. — Бу маҳалламизга фақат помидорнинг ўзидан қарийб 35 миллиард сўм атрофида даромад кириб келганини аниқлатади. Бу экин ҳосили тугаши билан ҳамма ерни тайёрлаб, дарҳол сабзи, шолғом ёки шу каби экин-

«ОБИҲАЁТ ПАРК» МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Сурхондарё вилоятида дарё ва қўллар бўйидаги бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш, аҳоли ҳамда сайёҳлар учун замонавий, қулай ва жозибador масканлар барпо этиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Навбатдаги йирик лойиҳа умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи "Обиҳаёт парк" мажмуасидир. Янги мажмуа Сурхон дарёсининг Термиз туманидан ўтувчи қисмида, 20 гектар майдонда қад ростлайди.

Бунёдкорлик

Туризм, савдо ва шаҳарсозлик — бир лойиҳа доирасида 42 та турар ва нотурар объект-лар қурилиши режалаштирилган.

Хусусан, замонавий кўп қаватли уй-жойлар, 250 ўринли иккита мослашувчан ва юқори сервисли меҳмонхона, ресторан ҳамда кафелар, фитнес клублар, кўнгилочар масканлар ва 24 соат

фаолият кўрсатувчи туризм қўчалари мажмуанинг асосий қисмини ташкил этади.

— Лойиҳани амалга оширишда экология ва хавфсизлик масалалари биринчи ўринга қўйил-



Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАМ ТОЗАЛИК, ҲАМ ДАРОМАД

Биз тозалик, озодалик ва покизаликка эътибор қаратадиган халқимиз. Хонадон, маҳалла тозаллигини таъминлашга ҳар доим аҳамият берамиз. Бир мuddат муқаддам чиқиндиларни бошқариш масаласи Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар жойлашган ҳудудларда анча муаммо бўлиб келаётганди. Чунки аҳоли хонадонлари тор, боши берк кўчаларда жойлашган. Катта ҳажмдаги юк ташувчи машиналар эса тор, ички кўчаларга киролмайди. Бу чиқиндини ўз вақтида ташиб чиқаришда қийинчилик туғдирар, натижада аҳолидан кўп шикоятлар тушарди.

Тадбиркорлик

Давлат раҳбари мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларга бағишланган йиғилишда ҳудудларимизда экологик тоза ҳаётни таъминлаш учун энгил ва қулай бўлган замонавий электромотороллерлардан фойдаланиш зарурлигини тавсия қилган. Шу тариқа Самарқанд шаҳрида илк тажриба сифатида чиқиндиларни замонавий электромотороллерлар ёрдамида ташиш йўлга қўйилди.

Самарқанд шаҳридаги "Эл Холдин" МЧЖ ҳам ёниги, ҳам электр қувватида ҳаракатланувчи 20 та махсус чиқинди ташишга мослаштирилган мотороллерлар ишлаб чиқарди. Айни пайтда улар шаҳарнинг 20 га яқин тарихий обидалари жойлашган маҳаллаларни чиқиндилардан тозалаб, санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Мазкур электромотороллерларнинг ҳар бири кунига икки мартадан 3-3,5 куб, яъни 9-10 тонна миқдорида майиш чиқиндиларни қайта юклаш шохобчасига ташиб чиқармоқда. Тежамкор мотороллерларда уч кунда бир марта қувватлантириш орқали 200 километр масофани босиб ўтиш мумкин. Агар синов муваффақиятли



яқунланса, 140 нафар киши иш билан таъминланади.

— Ҳозирча транспортларимиз Кўшқовуз, Ургут каби маҳаллаларда синовдан ўтказилмоқда, — дейди "Мароканд обод" давлат муассасаси директори ўринбосари Шохбоз Нурбоев. — Мотороллерлар кўчаларни чиқиндилардан тозалаб бўлган,

ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган қайта юклаш пунктига келган катта юк машиналарига ортилиб, марказий чиқинди полигонига жўнатилади.

Соҳадаги асосий муаммо чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ. Бугун республикамизда фаолият юритаётган чиқиндиларни қайта ишловчи 270 та корхона томонидан бир ойда йиғилган 14 млн. тонна чиқиндининг 5,2 фоизигина қайта ишланади, холос. Ана шу йўналишдаги ишларни кенгайтириш мақсадида Самарқанд шаҳрининг Сўлим кўрғони ҳудудида 15 гектар майдонда чиқиндидан энергия ишлаб чиқарувчи корхона қурилмоқда.

"Яшил" иқтисодиёт тамойилларига мос келувчи мазкур замонавий лойиҳа Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгартириш вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ҳамда Хитойнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

— Келгуси йилда ишга тушиши режалаштирилган корхонамиз ҳозирча Марказий Осиёда ягона ҳисобланади, — дей-

ди "Shanghai SUS Environment" LLC компанияси қурилиш бўйича бош директори Ю. Женг. — Айни пайтда 20 дан зиёд махсус техникалар, юздан зиёд ишчилар меҳнат қилмоқда.

Ушбу лойиҳа асосида кунига 1,5 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилга 240 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган лойиҳага 150 млн. доллар миқдорида инвестиция жалб этилган.

Каттақўрғондаги "Анваржон Бизнес инвест" МЧЖ, "Мансурбек кўрғон сервис" МЧЖ санитар тозалаш корхоналари бу йўналишда ўн йилдан буюн фаолият олиб боради. Ушбу корхоналар Каттақўрғон шаҳридан ташқари Каттақўрғон, Нарпай ва Пахтачи туманлари ҳудудларидаги 200 дан ортиқ маҳаллаларда яшовчи 700 мингга яқин аҳолига санитар тозалаш хизмати кўрсатади. Ҳудудларда ташкил этилган чиқинди сараловчи 28 та шохобчада жамланиб, сўнгра қайта ишловчи корхонага жўнатилади. Бунинг учун 90 та турли махсус техника жалб қилинган. Улар тўлиқ GPS — онлайн тизимига уланган. Корхона ишчи-

лари томонидан бир кунда 280 тонна чиқинди олиб чиқилиб, шунинг 20 тоннаси қайта ишланади.

Жорий йилда 50 400 тонна олиб чиқилган чиқиндининг 3 600 тоннаси қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамкор корхоналарга жўнатишган. Улардан электрокабель ва турли жиҳозлар, карниз, плитус, шунингдек, плитка қопламалар учун турли бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Бугунги кунда корхонамизга қарали 8 та минизаводда пластик, полимер, металл, шиша, резина, картон қоғоз каби 13 турдаги чиқиндини қайта ишлаш йўлга қўйилган, — дейди тадбиркор Гулмира Жумаева. — Фарғона, Жиззах, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бир қатор қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан таъминлашга эришдик. Корхонамизда модернизация ишларини амалга ошириш мақсадида янги қурилатган бинога ўрнатиш учун Хитойдан 3,5 млрд. сўмлик янги замонавий асбоб-ускуналар олиб келдик. Корхоналарда меҳнат қилаётган 426 нафар ишчининг 120 нафари ижтимоий дафтарларга қиритилган аҳоли вакиллари, 30 нафар ногиронлиги бўлган шахс ҳам иш билан таъминланган.

Тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам чиқинди сараловчи "Эко-Шим-кент" корхонасини ташкил қилди. Корхона тўлиқ ишга туширилган бўлиб маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам иш ўрни билан таъминланади, чиқиндини қайта ишлаш имконияти янада кенгайди.

Абдулуси ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ларни экишади. Ер умуман бўш турмайди. Бошқа ҳудудлардан ерни ижарага олиб ҳам деҳқончилик қиламиз. Чунки одамларимиз шу ишнинг ҳадисини олишди, меҳнат билан яхши даромад топиш мумкинлигини тушуниб етишди.

Маҳалла ахлининг меҳнатлари самараси уларнинг турмуш фаровонлигида ҳам акс этмоқда. Масалан, 2020 йилда фақат 36 кишида шахсий автомобиль бўлган бўлса, бугун улар сони мингдан ошади. Аксарият хонадонларда икки, учтадан машина бор. Ёки 2020 йилда 7 нафар ёш олий таълим муассасаларида ўқиган бўлса, айни пайтда 83 нафар йигит-қиз юртимиз ва хориждаги нуфузли университетларда таҳсил олмоқда. Ишчи кўчига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Энг муҳими, маҳаллада бирорта ишсиз фуқаро ёки эҳтиёжманд оила йўқ. Рўйхатда ҳам, амалда ҳам шундай. Ҳар қуни қўшни маҳаллалардан 250 дан зиёд кишилар шу ерга келиб, кунлик ишларда ишлашади. Ишчи кўчига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Даштободликлар тажрибаси кўрсатадики, бандлик ҳал этиб бўлмас муаммо эмас. Фақат бунинг учун энг қўйи бўғиндан бошлаб ишни тўғри ташкил қилиш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, бунинг учун шарт-шароитларни яратиш зарур. Шундагина бандлик билан боғлиқ муаммоларга ўрин қолмайди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Омилкорлик

УЗУМ ЁЙСИЗ, МАЛИНА ҲАМДА ҚУЛУПНАЙ ТАЪМИНИ ТУЯСИЗ

Узум тановул қила туриб, унда малина ва қулупнай таъмини ҳам ҳис этмоқчи бўлганларга Вобкент туманидаги Латифсобунгар маҳалласида яшовчи Шерали Болтаевнинг хонадонига боришни маслаҳат берамиз. Асл мутахассислиги биолог бўлган бу тиниб-тинчимас инсон узумнинг "Avatar" намини маҳаллий шароитга мослаштириб, дуруст натижага эришмоқда.



— Бир гектар ерда мевазор ва тоқзор барпо этганмиз, — дейди у. — Океанорти, яъни АҚШда яратилган бу нав узумни пайвандлаш орқали кўпайтирялмиқ. Даставвал кичик лабораторияда уни синовдан ўтказдик. Иккимиз тез мослашдик, меваси йирик ва уруғсиз. Уни истезмол қила туриб малина билан қулупнайнинг таъмини ҳис этасиз. Олис масофада ташишга ҳам, узок мuddат сақлашга ҳам ярокли. Майизининг эса бозори қаққон.

Айтмоқчи, бог яратиб, узум етиштириш Шерали Болтаев учун ота касб. Богбонлиқни оила билан уйғун ҳолда олиб бораётган бу инсон ҳам бўлаётгани йўқ. "Avatar"ни парваришлаш агротехнологиясини чуқур ўрганган миришқор энди кеч кузда ундан қаламча тайёрлаб кўпайтириш ниятида. Шу тариқа у нафақат маҳалладошлари, балки туман аҳолисида ҳам бозори қаққан камёб узум етиштиришга рағбат уйғотмоқчи.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

2030 йилга бориб мамлакатимизда картошкadan ўртача ҳосилдорликни 16-17 тоннадан 25 — 30 тоннага ошириш кўзда тутилган.

Долзарб мавзу

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган йўналишлардан биридир. Президентимиз шу йил 30 июль куни мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари, 31 июль кунги эса қишлоқ хўжалигида космик маълумотлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари бўйича ййгилиш ўтказди. Уларда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, ердан унумли фойдаланиш, самарадорликни ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Барчамиз яхши биламиз, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги салохияти юқори. Серқўёш заминимиз табиий иқлим шароитида мазали, ширин-шакар ва тўйимли мева-сабзавот ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Жаҳон бозорига эса Ўзбекистоннинг маҳсулотларига талаб катта. Мамлакатимизнинг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Кенгаши аъзолигига сайлангани ҳам беҳиз эмас. Бу — миллий ва минтакавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблағ жалб қилиш учун катта имконият.

Ана шу шароитда фермер ва деҳқонларимиз ўзлари етиштираётган маҳсулотларнинг табиий таъмини сақлаб қолиши, кимёвий ўғитлардан меъёрдан ортиқ даражада фойдаланмаслиги, генини ўзгартирмаслиги долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Бинобарин, глобаллашув жараёнининг таъсирини бугун барча соҳада кўриш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалиги йўналишида бутун дунё бўйлаб тажрибалар алмашинуви кечмоқда. Илгари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турли-туман мевава сабзавотлар экин майдонларимизнинг кўркига кўрк қўшаётир. Дунёнинг нариги чеккасида етиштирилаётган нозу неъматлар ҳам бозор ва савдо дўконларимизни тўлдириб турибди. Ҳар қандай фаслда ҳам кўнгил тусган мевани топиш мумкин.

Бу бир томондан тўқисликка сабаб бўлса-да, аммо юртдошларимизни ўйлантирган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Чунки яримфабрикатлар, сунъий озуқалар, таъм берувчилар ва гени ўзгартirilган, яъни қисқартма тарзда ГМО (гени модификацияланган организм) деб аталадиган маҳсулотлар истеъмоли оммалашиб кетмоқда.

Хозирда истеъмол қилинаётган кўпгина егуликлар ГМО маҳсулотлар қаторига кириши бугун ҳеч кимга сир эмас. Кимдир бундай озиқ-овқатларни зарарли деб ҳисобласа, ким учундир расталардаги энг чиройли, энг қимматбаҳо ана шу нозу неъматларни дастурхонида кўриш завқли. Албатта, ҳар ким ўз дунёқарашини, ўз танловларини асосида яшайди. Бироқ ўртага саломатлик, соғлом авлодлар бардавомлиги масаласи чиқар экан, бу борада етти ўлчаб, бир кесиб мақсадга мувофиқ.



ГМО — фойдалими ёки зарарли?

of Mechanical Engineers" (IME) ўтказган тадқиқотларга кўра, Ер юзига йилга 4 млрд. тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Уларнинг аксарияти турли қишлоқ хўжалиги экинларидан олинади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ҳосилнинг деярли 30 — 50 фоизи (1,2-2 млрд. тонна) турли сабабларга кўра нобуд бўлади. Жумладан, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти таҳлилчиларининг маълумотларига биноан Ер юзига етиштириладиган донли экинларнинг 5 фоизга яқин қисми турли зараркунчалар сабаб бой бериллади.

Шунингдек, таёёр маҳсулотлар ҳам муайян муддатда харидорларга етказиб берилмаса, айниши, истеъмолга яроқсиз ҳолатга келиб қолиши бор гап. Соҳа олимлари бу каби муаммоларни ҳал қилиш устида иш олиб бориб, ГМО маҳсулотлари етиштиришга муваффақ бўлди. Биолог, эколог, селекция ва генетик мутахассислар турли бегона ўтларга, зараркунчаларга, кимёвий моддалар, қурғоқчилик, совуқ ва бошқа кечковчи омилларга бардошли ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиш, табиий селекция йўли билан имкон бўлмаган ҳолларда уларнинг генларини модификация қилиш орқали яратишни мақсуд қилишнинг ечимли сифатида кўрди. Натижада нисбатан арзон, сақлашга қулай, ҳосилдорлиги юқори озиқ-овқат маҳсулотлари дунё бўйлаб тарқалишда давом этмоқда.

ГМОга илмий тарзда шундай таъриф берилади: "Генетик модификацияланган организм (ГМО) — ирсият муҳандислиги усули билан генотипи сунъий ўзгартirilган организм. Бу таърифни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга нисбатан қўллаш мумкин. Қоидага биноан, генетик ўзгартiriш илмий ва хўжалик мақсадларида қўллана-

олдига келтиради, аслида ГМО фақат озиқ-овқат учун ишлатилмайди. Улар илмий тадқиқотларда, тиббиётда, фармацевтика саноатида, қишлоқ хўжалигида, атроф-муҳитни тозалашда ҳам қўлланилади.

Ундан воз кечиш керакми?

Биолог-икhtiолог, генетик Бахтиёр Шералиев бу саволга шундай жавоб беради: "Кўпчилик билан ГМО ҳақида гаплашганимда шу нарсга амин бўламанки, аксарият одамлар ГМО маҳсулотларини одамнинг генини ўзгартiriшига, уни егандан сўнг қандайдир касалликлар юзгага келиши мумкинлигига, наслий аномалиялар юзгага келишига ишонади. Бу қанчалик ҳақиқат?

Биринчидан, ГМО сизнинг генингизни ўзгартiriш хусусиятига эга эмас, бунчи генетиканинг фундаментал қонуниятларини билган ҳар қандай одам тасдиқлаши мумкин. Бу нарс тажрибада исботланган. Биз истеъмол қиладиган ҳар бир ўсимлик ва ҳайвон таркибида, албатта, ДНК бўлади. Одам, одатда, овқат еганда ўзи истеъмол қилган ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини асосида 0,1-1 граммгача ДНК истеъмол қиладди. Уларнинг 95 фоизи ҳазм йўлида ичакка боргунча алоҳида нуклеотидларгача парчаланиб кетади. Қолган 5 фоиз ДНК ўртача 100 — 400 нуклеотиддан иборат бўлиб, ичаккача етиб боради. Кўпчилик мана шу ДНК бўлаклари одам ДНКсига трансформация бўлиш эҳтимоли мавжудлигини айтиди. Худди мана шу эҳтимолиликни олимлар жўжа ва бузоқларда тажрибада сынаб кўрган. Натижада овқат таркибидаги ДНК бўлаклари ичак деворидан қон томирларига ўта олмаслиги маълум бўлди. Сичқонларда ўтказилган тажрибаларда

олмга яқин. Тадқиқотларга кўра, трансген маҳсулотларни истеъмолга чиқариш тақиқланган Швецияда аҳолининг фақат 7 фоизи аллергия хасталикларга чалинар экан. Бундай маҳсулотлар кенг қўламда истеъмол қилинадиган АҚШда эса худди шу хасталик билан оғриганлар мамлакат аҳолисининг 70,5 фоизини ташкил қиладди.

Қолаверса, генетик модификацияланган маҳсулотлар болалар организмга салбий таъсир ўтказиши ҳақида ҳам фаразлар бор. Шу боис 2004 йилдан буён Европанинг қатор мамлакатларида 4 ёшгача бўлган болаларнинг таом рационига трансген маҳсулотларни киритиш тақиқланган. Бундан ташқари, бу маҳсулотларни доимий истеъмол қилган одам организми антибиотикларга нисбатан таъсирчанлигини йўқотди. Бу эса турли касалликларни даволашда жиддий тўсик бўлади. Оддий тумовни ҳам антибиотиклар ёрдамида тўзатиб бўлмайди. Натижада ҳар хил суперинфекциялар пайдо бўлиши, улар оқибатида келиб чиққан касалликларни даволаш учун янги дори воситаларини ўйлаб топиш шарт бўлади.

Ҳатто олимлар саратоннинг келиб чиқиш омилларидан бири — гени ўзгартirilган маҳсулотлар эканини айтмоқда. Шунингдек, ГМО инсоннинг насл қолдириш қобилиятига ҳам дахл қилиши эҳтимоли юқори. Бунинг исботи сифатида айнан уруғи йўқ хисоби бўлган тарвузлару бодринг-помидорлар келтирилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам ўз ҳисоботида ГМОнинг инсон саломатлиги ва ривожланиши учун потенциал хавф эҳтимоли борлигини билдирган.

— Ген инженерлигидан ўсимликларда, ҳайвонларда ва микроорганизмларда касаллик ва зараркунчаларга, гербицидларга чидамлик ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш ва узоқ сақланишини таъминлашда кенг фойдаланилади, — дейди Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Фулом Ғайбуллаев. — ГМО ҳақида ҳар хил салбий ва ижобий тушунчалар мавжуд, лекин ҳозирча биронта илмий ҳамда амалий исбот топилмайди. Бугунги кунда расман 18 давлатда (АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Хитой, Австралия, Германия, Испания, Болгария ва Руминия каби) гени ўзгартirilган ўсимликлардан фойдаланилмоқда. Энг кўп ГМО картошка, маккажўҳори, рапс, помидор, шоли ўсимликларида қўлланилмоқда. Ўзбекистон селекциясида ГМО олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмапти. ГМОдан фойдаланишга Ўзбекистоннинг эҳтиёжи йўқ, деб ўйлайман. Сабаби оддий селекция усуллари орқали ҳам ҳосилдор, касаллик ва зараркунчаларга чидамли навлар яратилмапти.

Олимнинг сўзларидан ҳам маълумки, ГМО мамлакатимизда эътибор қаратилишини кутаётган масалалардан бири. Шунингдек, маълумотлар қидирганимизда, бу мавзу анчадан буён оммавий ахборот воситаларининг эътиборидан ҳам четда қолиб келаётгандек туюлди. Ўзбекистонда таркибида ГМО бўлган маҳсулотлар айланмасини тартибга соладиган ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқиши ҳам долзарб масалалардан саналади.

Президентимиз томонидан 2019 йил 14 октябрда имзоланган қарорга мувофиқ, мамлакатимиз "Биохавфсизлик бўйича Картаҳена протоколи"га қўшилган давлатлар қаторидан ўрин олди. Унга кўра, хужжатни имзолаган мамлакатлар генетик модификацияланган организмларга ишлов бериш, ўраб joyлаш ва ташинида хавфсизлик чораларига риоя этиши зарур.

Дунёнинг турли мамлакатларида ГМОга қарши курашиш мақсадида зарур чоралар ишлаб чиқилган. Бу маҳсулотларга муносабат қонунан қатъий тартибга солинган. Бъзи давлатларда ГМО умуман тақиқланган, яна айримларининг таркибида ГМО мавжуд маҳсулотлар алоҳида махсус ёрлиқлар билан кўрсатилиши мажбурий қилиб белгиланган. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг деярли барчасида "ГМОдан холи ҳудудлар" ташкил этилган ва бу ҳудудларда трансген ўсимликларни экиш қатъиян тақиқланган. Жумладан, Италиянинг 25 та музофотида трансген экинлар экиш мутлақ ман қилинган. Австрия, Германия, Люксембург, Португалия каби давлатларда генетик модификация қилинган жўҳори, Саудия Арабистони ва Мисрда бугдой, Норвегияда антибиотикларга чидамли ГМО маҳсулотларини етиштириш ва сотиш қонунга зид саналади. Британия парламенти биносидagi барча ошхона ва тамаддихоналарда ГМО тақиқланган.

Албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда ҳам бу масалани ўрганиш мутахассислар олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Мўҳими, ўзимизнинг табиий маҳсулотларимиздан қўймасин. Балки дунё тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам "ГМОдан холи ҳудудлар" ташкил этиш ва шу каби бошқа чора-тадбирлар кўриш керакдир.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЖАРАЁН 5

ХОРАЗМ

ТОМОНЛАРДА

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш янада яхшиланади

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилояти бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу билан ходимлар ва муҳожаатлар билан келувчи аҳоли учун қулайлик яратилди.



Чунки бинода Урганч шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг вилоят бошқармаси, Урганч шаҳар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ҳамда Ижтимоий инспекциянинг вилоят бошқармаси ҳам жойлашди. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга бир жойдан хизмат кўрсатиш имконини беради.

— Бугунги кунда вилоятда ногиронлиги бўлган 63 минг, вояга етмаган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож 15 минг, ёлғиз яшовчи 312 нафар фуқарога "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари орқали амалий ёрдам кўрсатилмапти, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Шерзод Бердиев. — Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитлар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга имкон берапти.

Мустақиллик шодиёнаси янги хонадонларда нишонланди

Урганч шаҳридаги Машъал маҳалласида барпо этилган 4 та 9 қаватли уй-жойлар ўз эгаларига топширилди. Шаҳарнинг қулай ҳудудида жойлашган бу замонавий тураржойларда яшовчилар учун барча шароит яратилган.



— Президентимизнинг шу йил 21 февралда имзоланган "Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосан уй-жой сотиб олиш учун бериладиган субсидиялар сони 1,5 баравар оширилди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Сирож Бекчонов. — Жумладан, Хоразм вилоятида субсидия олувчи 1627 нафар фуқаро учун 136 млрд. сўм ажратилди. Бу эса даромади юқори бўлмаган оилаларни ҳам уй-жой билан таъминлаш имконини бермоқда.

Маълумот учун, бу йил Хоразм вилоятида 7 минг хонадонга мўлжалланган 200 та кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

Илк ривожланиш марказлари иш бошлади

Янгибозор, Ҳазорасп ва Қўшқўпир туманларида илк ривожланиш марказлари ўз фаолиятини бошлади. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида ташкил қилинган ушбу марказларга мактабгача таълим билан қамраб олинмаган 716 нафар бола жалб этилади.



Шундан 310 нафари "Камбағал оилалар реестри"га киритилган оилалар фарзандлари, 406 нафари ногиронлиги бўлган болалардир. 2026 — 2028 йилларда вилоятда бундай марказлардан яна ўнтаси ташкил этилади.

— Ногиронлиги бўлган фарзандим парвариши билан банд бўлиб ўз касбим бўйича ишга чиқа олмаётган эдим, — дейди Янгибозор туманида яшовчи Наргиза Бозорбоева. — Туманимизда илк ривожланиш марказининг очилиши туфайли бу муаммо ўз ечимини топди. Ушбу марказ биз каби оналарнинг оғирини енгил қилиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиш имкониятини яратиб берди.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

Сурур

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН –
МАНГУ ЎЗБЕКИСТОН

Она юртим катта давлат бўлмоқдадир,
Бун дунё англамоқда, билмоқдадир.

Буюкликка даъвогарлар бўлиб ҳайрон,
Қучоқ очиб интиллоқда бизга томон.

Аждодларим дунё кезиб билим терган,
Маърифату адолатдан сабоқ берган.

Мангу яшар боболарнинг тафаккури —
Бўлиб авлодларнинг қалбда ёнган нури!

Инсон камол топган фақат китоб билан,
Элим яшар “Ўқинг!” деган хитоб билан.

Фикри уйғоқ, йўли раvon, кўнгли озод,
Олтин авлод улғаймоқда, олтин авлод!

Юртга келган меҳмон борки, дарахт экар,
Бу ишидан ўзи ҳам бир фараҳ этар.

Ўзбек қайга борса ҳаё — китоб берган,
Илму урфон берган, меҳру офтоб берган.

Неча доvon, тоғу тоғу чўллар ошдик,
Юртлараро манфаатли йўллар очдик.

Бу зафарлар кўтармишидир юрт қаддини,
Энг аввало, азиз билиб эл қадрини.

Ислохот — бу ўзни ислоҳ қилмоқ асли,
Юрт ишига энг шимариб кирмоқ фасли.

Эл ишидан ким ўзини четга олса,
Ё сафларга шубҳа билан назар солса —

Бундай касни Яратган ҳам бандам демас,
Ўз тулроғин севмаса ким — биздан эмас!

Халқ ишончи, муҳаббати чин зафардир,
Янги авлод майдонларда музаффардир.

Шоҳсупадан тушмас энди полvonлари —
Олимпия шахрин қизу ўғлонлари!

Фидойилик — шу тулроғ-чун жонни тикмоқ,
Тинчлик учун ҳар фурсату онни тикмоқ.

Ватан ишқи — садоқату меҳнат билан,
Юрт ишончин оқлаш ҳалол хизмат билан.

Ўзбекистон — катта йўлга тушган карvon,
Шиддатидан, хайбатидан дунё хайрон.

Шукр дейлик, берган шундай неъматига,
Кўз тегмасин тараққиёт суръатига.

Ҳар кун ҳисса қўшаск, дейман эл қорига,
Мадад бўлиб она диёр меъморига.

Жаҳон аро бир жаҳон бу — нузли бўстон,
Янги Ўзбекистон — мангу Ўзбекистон!

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
масъул ходими.

ПАКАНДИДА МИЛЛИЙ
ХУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗИ

Чироқчи туманидаги Паканди маҳалласи хотин-қизлари орасида хунармандчиликнинг гилам тўқиш, каштадўзлик, чеварлик турлари жуда оммалашган. Маҳаллада Миллий хунармандчилик марказининг ташкил этилиши эса хунарманд хотин-қизлар ўртасида “Устоз — шогирд” анъаналарини ривожлантириш, маҳсулотларни мақсадли ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва тизимли реализациясини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кадрият



— Марказ уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш ва ёшларга хунар ўргатишда жуда кўл келмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Гулчиroy Соатова. — Уйдаги аёллар билан касаначилик асосида ҳам фаолият йўлга қўйилди. Она-хонларнинг тажрибаси ёшларга ўргатилади. Айни пайтда марказда

50 га яқин гилам турлари, кашта-сўзаначилик, чеварлик ва бошқа кўл меҳнати асосидаги хунармандчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу фаолият ортидан 80 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

МУАЛЛИМ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ


Ўқитувчи жамиятнинг асосий бўғини саналади.
Шунинг учун ундан ҳамма замонда ҳам фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилган.

Нуқтаи назар

Тўғри, мустақилликнинг илк давридан бошлаб, юртимизда таълим соҳаси устувор йўналишлардан бири бўлиб келди. Бироқ сўнгги етти йил ичида бу йўналишда амалга оширилган тўб ислохотлар таълим тизимини мутлақо янги bosқичга олиб чиқди. “Инсон кадрлари учун” деган эзгу таълимий остида олиб борилаётган ислохотлар замирида, аввало, маърифат ва илм-фанга бўлган эътибор ётади.

Одамларимизнинг “Ўқитувчининг қадри ошди, ёшларда илмга интилиш кучайди” деган гаплари шунчаки эмас, балки юракдан айтган шукронасидир. Бир пайтлар ўқитувчи касбининг нуфузи ҳақида ўйлашнинг ўзи бўлмаган. Устозлардаги машаққатни кўриб, ёшлар бу касбга ҳавас қилмагани ҳам сир эмас.

Ўқитувчиларга юклатилган ортқича вазифалар уларни ўз асосий ишидан чалғитиб келарди. Пахта яккахокимлиги сиёсати, мактаб-



лардаги турли йиғим-терим ишлари, кўча тозалаш ва бошқа қатор бюрократик тўсиқлар муаллимларни руҳан чарчатган, креатив ғояларига зарба берган, уларнинг ижодий салоҳиятини сўндирганди. Бу ҳолат таълим сифатида салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Халқнинг вужудидаги оғриқни юракдан ҳис этган давлатимиз раҳбари таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишни орта сурмади, ваъдалар бермади, “bosқичма-bosқич” дея йилларни совурмади, ислохотларни жадал олиб бораверди. Ватан

учун, миллат учун, халқ учун ёниб, катта шижоат билан ишларни жаҳолат зулматини ёришдан, эртасиз эгалари бахтли ҳаётининг пойдеворини қуришдан, яъни инсонлар қалбига маърифат, илм нурини олиб киришдан бошлади.

2017 йилда қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таълим соҳаси алоҳида ўрин эгаллади. Натижада ўқитувчиларни турли мажбурий меҳнатлардан озод этиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Бугунги кунда ўқитувчининг обрў-эътибори давлат даражасида ҳимояга олинган. Устозларга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Бу эса муаллимларнинг ўз касбига бўлган ишончини оширди ва уларга ўз фаолиятини бемалол, хотиржам олиб бориши учун имконият яратди.

Ўқитувчи кадрининг ошиши нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам ақс этмоқда. Сўнгги йилларда уларнинг ойлик маошлари сезиларли даражада оши-

рилди. Бундан ташқари, илгор ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизими яратилди. Хусусан, малака тоифалари учун тўланадиган устамаларнинг миқдори кўпайтирилди. Эндиликда ўз устида ишлаб, юқори натижадорга эришган ўқитувчилар муносиб тақдирланмоқда.

Шунингдек, соҳа ходимларини тураржой билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим тизими ходимлари учун имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар қурилиши бу борадаги ишларнинг ёрқин намунасидир. Бу каби чора-тадбирлар ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириб, уларга эртанги кунга ишонч бағишламоқда.

Устозларнинг улуғлигини ёшларни илмга янада интилиши кучайтирди. Замонавий технологиялар, инновацион ўқув дастурларининг таълим тизимига жорий этилиши ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини кучайтирди.

Устоз кадрланган жойда илм ҳам, тараққиёт ҳам бўлади. Зеро, донишмандлар айтганидек, “Инсонларнинг энг яхшиси — илм берган, ёмонлари илмдан тўсганидир”. Бугунги Ўзбекистон айнан ана шу эзгу йўлда қатъият билан олға бормоқда.

Олий таълимга қабул квоталарининг кескин оширилиши, янги олий ўқув юртларининг ташкил этилиши, хорижий университетларнинг филиаллари очилиши ёшларга сифатли таълим олиш учун кенг имкониятлар яратди. Эндиликда юз минглаб ёшлар ўз юртида дунё стандартларига мос билим ва касб эгаси бўлмоқда.

Сўнгги етти йил ичида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар халқимизнинг келажагига қилинган улкан инвестиция бўлди. Таълим соҳаси вақилларини касбий ривожлантириш, уларга муносиб шароит яратиш ва ёшларни илм-маърифатга қорлаш сиёсати ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи эртанги куннинг меъмор эканлигини чуқур ҳис қилмоқда. Илм-фанга бўлган бундай эътибор, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг тараққиётига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуда ҚҶҚОРОВА,
Фарғона давлат университети доценти.

Спорт • Sport • Спорт

Оғир атлетика:
нуфузли мусобақа бошланди

Хоразмда оғир атлетика бўйича катталар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги ва Марказий Осиё очик чемпионати старт олди.



Урганч шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида ўтаётган чемпионат мусобақаларида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан, шунингдек, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ҳамда Туркиядан 200 нафардан ортиқ спортчилар қатнашмоқда. 12 сентябрдан буюр мусобақалар “U20” ёш тоифасида (ёшлар ва қизлар) ҳамда катталар (эркаклар ва аёллар) ўртасида бўлиб ўтмоқда.

Қаратә:
умумжамоа ҳисобида 3-ўрин

Хитойда қаратә (WKF) бўйича ўсмирлар, ёшлар ва 21 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида XXIV Осиё чемпионати ўтказилди.

Ўттизга яқин мамлакатларнинг 500 нафардан ортиқ ёш қаратәчилари қатнашган ушбу чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 12 та медални қўлга киритди. Яъни спортчиларимиз 2 та олтин, 2 та кумуш ва 8 та бронза медалига эга чиққан ҳолда умумжамоада 3-ўринни эгаллади.

1-ўрин (10 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза) Япония жамоасига, 2-ўрин эса (3 та олтин, 6 та кумуш ва 5 та бронза) Эрон жамоасига насиб этди.

Бокс:
беш учрашув — беш галаба

Англиянинг Ливерпуль шаҳридаги бокс бўйича катталар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати ўзбек чарм қўлқоп усталари учун омадли давом этмоқда.

Мусобақанинг навбатдаги кунда терма жамоамизнинг беш нафар вакили рингда кўтарилди. Хусусан, 55 килограммга бўлган вазн тоифасида Миразизбек Мирзахалилов ҳиндистонлик Паван Барвални 5:0 ҳисобида енган бўлса, Олимпия ўйналари ғолиби Асадхўжа Мўйдинхўжаев (-65 кг.) хитойлик Жианхэо Жуга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шунингдек, иктидорли босқичми Жавоҳир Умматалиев (-80 кг.) Поляша вакили Никодем Козакдан ҳар томонлама устунлигини исботлади.

70 килограммга вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Азиза Зокирова венгриялик Регина Лакосни учинчи раундда техник нокаутга учратди. Яна бир ҳаюртимиз Хуморабону Мамажоновна (-57 кг.) эса черногориялик Бояна Гойковични 5:0 ҳисобида мағлуб қилди.

«Халқ сўзи».

ОЙ ТУТИЛГАН
ОҚШОМ

Ҳодиса



Ўзбекистон аҳолиси ноёб астрономик ҳодисалардан бири — Ойнинг тўлиқ тутилишини кузатиш имкониятига эга бўлди. Ой тутилиши, бу — Кўёш, Ер ва Ой бир тўғри чизикда жойлашиши ва натижада Ой Ернинг атрофида айланиши давомида унинг соясига киришидир. Бу ноёб астрономик ҳодисалардан бири ҳисобланади. Чунки бу каби жараён йилга бир неча маротаба содир бўлса-да, Ер шарининг барча ҳудудларида эмас, айнан маълум бир манзиллардагина пайқаш мумкин, холос.

Ушбу ноёб ҳодиса 7 сентябрь кунни соат 21:27 да бошланиб 3 соатдан узоқроқ вақтга чўзилган бўлса, тутилишнинг тўлиқ фазаси (Ойнинг Ер сояси томонидан тўлиқ тўсилиши) эса 1 соатдан ортиқ давом этди. Бу пайтда Ой тўқ қизғиш рангга бурканди. Тутилишнинг тўлиқ фазаси барча Осиё давлатлари, Африканинг айрим шарқий ва Австралиянинг маълум бир қисмида кузатилди.

ЎзФА Астрономия институти

ҳодимлари ҳам мазкур тутилишнинг мамлакатимиз ва унинг ташқарисида махсус телескоплар ёрдамида кузатиш имконига эга бўлди. Хусусан, институт ҳудудига ёндаш Астрономия паркида боққа ташриф буюрувчилар учун иккита кузатув майдончаси ташкил этилди: Астрономия боғига кириш қисмида ва “Селетрон-14” илмий-ўқув обсерватория телескопи биносиди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида ҳам Самарқанд давлат университети ходимлари билан ҳамкорликда кузатувлар ташкил қилинди. Навбатдаги ҳудди шундай тўлиқ Ой тутилиши 2028 йилда содир бўлиши кутилмоқда.

Азимжон АЗИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Астрономия институти катта илмий
ҳодими.

РЕКЛАМА

«O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI» AKSIYADORLIK JAMIYATI AKSIYADORLARINING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG'ILISHINI O'TKAZISH TO'G'IRISIDA



Jamiyatning nomi: «O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki» aksiyadorlik jamiyati.
Joylashgan joyi: 100084, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Amir Temur shohko'chasi, 101-uy.
Elektron pochta manzillari: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz
Umumiy yig'ilish o'tkazish sanasi va manzili: 2025-yil 26-sentabr, soat 15:00. Toshkent shahri, Amir Temur shohko'chasi, 101-uy.
Aksiyadorlarning reyestri shakllantiriladigan sana: 2025-yil 22-sentabr.

Kun tartibiga kiritilgan masalalar:

1. “O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishining

sanoq komissiyasi tarkibini tasdiqlash;
2. Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi reglamentini tasdiqlash;
3. Aksiyadorlik jamiyatining 2025-yilning birinchi yarmi yakunlari bo'yicha oraliq hamda 2025-yil 31-dekabr holatiga

MNHSga muvofiq tayyorlangan jamlama moliyaviy hisobotini majburiy auditorlik tekshiruvini o'tkazish uchun tashqi auditorlik tashkilotini belgilash, uning xizmatiga to'lanadigan haq miqdorini belgilash va u bilan shartnoma tuzishni tasdiqlash.

Ўзбекистонда таълим тизимини рақамли трансформациялаш йўналишида эришилган натижалар ЮНЕСКО бош қароргоҳида тақдим этилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўл ёзмаликлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.12 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6